Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 17-aprel, seshanba 39 (8902)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорида бирйўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш – бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талофот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охирги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган, "Сен етим эмассан" деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намоён этди.

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Хотира ва Қадрлаш кунининг кенг нишонланишини таъминлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг виждоний иши ва анъанавий бурчи деб белгилансин.

2. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов):

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас", "Мардлик, бурч ва садоқат" шиорлари остида юқори савияда ўтказилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминласин ва жойларга бориб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилсин ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш ва хушнуд этиш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй хўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш ҳамда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

"жаҳолатга қарши маърифат" улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;

динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш.

2. Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат **Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази** (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

Марказ Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний мавзуларга оид адабиётлар, Интернет ва оммавий ахборот воситалари материалларини чуқур таҳлил қилиш, диний-ижтимоий муҳитнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш фаолиятини амалга оширадиган ахборот-таҳлилий тузилмаси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ўзбекистон ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети негизида **Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

Давлатимиз раҳбарининг жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 13 апрель куни Сирдарё вилоятига қилган ташрифи ҳар жиҳатдан самарали ва амалий натижаларга бой бўлди.

«Ватанга садоқатда Сирдарё намунасини яратамиз»

Президентимиз аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди. Бу сирдарёликларни руҳлантириб, янги марралар сари чорлаяпти.

Бугун Сирдарёда яшаётган ёшу қари билан суҳбатлашманг, қалбида бунёдкорлик, юрт келажаги учун масъуллик туйғуси жўш ураётганини ҳис этасиз.

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ – БАХТ

Давлатимиз томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, янги корхоналарни энг чекка қишлоқларда ҳам барпо этишга катта эътибор қаратилаётганлиги натижасида кейинги бир ярим йилда Сирдарё вилоятида ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 17 май куни Сирдарё вилоятига ташрифи, халқ билан юзма-юз учрашуви чоғида бир қатор йирик лойиҳаларни ўзлаштириш кераклигини таъкидлаган эди. Дастур доирасида 2017 йилда вилоятда умумий қиймати 507 миллиард 200 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, жойларда 6 минг 200 та янги иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Наманган вилояти

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЁШ ОИЛАЛАР УЙЛИ, РАИСЛАР МАШИНАЛИ БЎЛДИ

Наманган шаҳрида бир гуруҳ фаол ёш оилаларга янги барпо этилган "Ёшлар уйи"дан хонадонлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар ва туман кенгашларининг раисларига енгил автомашиналар калити топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Наманган вилояти ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ёшлар ташкилоти вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг раислари, фаол ёшлар, уларнинг ота-оналари, фахрийлар иштирок этди.

– Вилоятда Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида изчил иш олиб борилмоқда, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Илёс Раҳимов. – Хусусан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Мингбулоқ, Чортоқ, Янгиқўрғон, Уйчи ва Наманган туманларида мана шундай кўп қаватли замонавий уйлар қурилиб, турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган 200 дан зиёд ёш оилага топширилди.

Вилоят марказининг Халқлар дўстлиги маҳалласида барпо этилган 32 хонадонли уй ҳам фан, таълим, спорт, санъат, тадбиркорлик соҳаларида катта муваффақиятлар қозониб, тенгдошларига намуна бўлаётган фаол ёш оилаларга бошланғич тўловсиз 20 йиллик муддатга имтиёзли кредит асосида берилди.

– Болалигимдан спортнинг таэквондо тури билан шуғулланиб, Осиё ва жаҳон чемпиони, бир қатор халқаро турнирлар ғолиби бўлганман. Айни пайтда вилоят ўзбек жанг санъати федерациясида бош мураббий сифатида ишлаяпман, – дейди Наманган шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Комилжон Ражаббоев. – Спортдаги бу ютуқларим эътироф этилганидан бахтиёрман. Шунчалик тез, кутилмаганда, бунинг устига имтиёзли равишда уй-жойли бўлишни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Бундай ғамхўрлик бизни янада фаол бўлишга рағбатлантиради.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар, туман кенгашлари раисларига имтиёзли кредит асосида "Spark", "Damas" автомашиналари топширилди.

Акромжон САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 17-aprel, seshanba 39 (8902)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли тоифалари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бирйўла пул мукофотини тантанали равишда топширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида улар ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафарини ташкил этсин ҳамда ушбу сафар билан боғлиқ барча харажатлар қопланишини таъминласин;

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг истаклари асосида Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборишни ташкил этиб, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техникалар намойишини ташкил этсин;

Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўчалар ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакатлар ва стендлар билан безашни таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган Дастур тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий хордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2018 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларнинг кенг ёритилишини, тематик тадбирлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг ташкил этилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

«Ватанга садоқатда Сирдарё намунасини яратамиз»

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифида ҳам халқ билан дилдан суҳбатлашди. Аҳоли фаровонлигини яхшилаш, янги иш ўринларини кўпайтириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун барча шарт-шароитларни яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу чўлни ўзлаштирган кўпмиллатли сирдаёликлар келажакда кўп ишларни қилишга қодирлар. Президентимизнинг Сирдарё намунаси – садоқат намунасига айланишига ишонаман, деган сўзлари биз, фахрийларга чексиз ғурур бахш этди. Ёшлар қаторида мамлакатимиз тараққиёти, буюк келажагимиз учун муносиб ҳисса қўшишдан асло чарчамаймиз. Юрт тақдири, тараққиёти йўлида умримиз давомида орттирган билим ва тажрибаларимиздан унумли фойдаланиб, ёшларга ҳамиша ибрат бўламиз.

Ўтбосар АБДИЕВ,
"Нуроний" жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ДАЪВАТИ БИЗНИ "СИРДАРЁ" БРЕНДИНИ ЯРАТИШГА РУҲЛАНТИРДИ

Тадбиркорлар учун кенг қулайликлар яратиб берилаётганлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини ҳам бераётир. 2010 йилда хусусий корхонамиз негизида лок-бўёқ ва қуруқ сувоқ материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Кейинчалик фаолиятимизни кенгайтириб, 30 турдаги лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариб, мамлакатимизнинг барча вилоятларига етказиб бера бошладик. Хитойнинг машҳур "Зинур" бўёқ ишлаб чиқариш компанияси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлигимиз, корхонамиз энг замонавий технологиялар билан жиҳозланганлиги маҳсулотларимиз сифати, харидоргирлигини янада оширди. Ҳозирда Мирзаобод тумани, Гулистон ва Янгиер шаҳарларида корхонамиз цехлари ишлаб турибди. Тошкент шаҳрида ҳам дўкон ташкил этганмиз.

Президентимизнинг "Янгиер" кичик саноат зонасида барпо этилган корхонамиз билан танишиб, лок-бўёқ учун зарур бўлган хомашёни шу ернинг ўзида тайёрлаш, тайёр маҳсулотни хорижий давлатларга кенг кўламда экспорт қилиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар бергани бизни янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга руҳлантирди. "Тадбиркорга ҳар доим ёрдам беришга тайёрман, иккита иш ўрнини яратган ишбилармонни бошимга кўтараман", деган сўзлари бизни янада изланиб ишлашга илҳомлантирди. Ҳозир корхонада 163 та янги иш ўрни яратганмиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, лок-бўёқларни экспорт қилиш, хомашёни ҳам ўзимизда тайёрлаш ҳисобига йил охиригача яна 20 та янги иш ўрни яратамиз ва "Сирдарё" бренди номида ташқи бозорга йўл оладиган маҳсулотларимиз сифат даражасини янада яхшилаш учун курашамиз.

Давлатимиз раҳбарининг биз, тадбиркорларга ишончи зиммамизга катта масъулият ва мажбурият юклайди.

Аброр ТОШМАТОВ,
Янгиер шаҳридаги "Баҳромжон нур савдо" хусусий корхонаси раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон халқаро ислом академияси:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита муассислигидаги Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урду, турк ва б.) ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга, ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш боскичларида узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини ташкил этишга ва илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш ва асраб-авайлашга, диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таминлаш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон ислом академиясининг ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг ҳуқуқий ворисси ҳисобланади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси битирувчиларига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида соҳага тегишли фанлар бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 14-бандида белгиланган имтиёзлар Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ҳам татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

5. Ўзбекистон халқаро ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилиши инобатга олинсин.

Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида имом-хатиблар, имом ноиблари, диний соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, олий ва ўрта таълим муассасаларининг соҳага тегишли педагог кадрлари қайта тайёргарликдан ўтади ва малака оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

6. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги "Зиё" медиа маркази мамлакатимизда диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, аждодларимизнинг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бой диний-илмий меросини кенг тарғиб қилувчи, диний-маърифий ҳаётдаги янгиликларни жамоатчиликка етказувчи асосий медиа тузилма сифатида шакллантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда "Зиё" медиа маркази ишини самарали ташкил этиш мақсадида уни алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғи, замонавий телестудия, телевизион ускуналар жамланмаси, компьютер техникалари, дастурий таъминот ва бошқа техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

"Зиё" медиа маркази 2021 йилнинг 1 майига қадар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий телестудия ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, компьютер ва сервер техникаси, техника воситалари, шунингдек, бошқа моддий-техника ресурсларини, олиб кириш учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги **Ҳадис илми мактабини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошларимизнинг улкан илмий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш Ҳадис илми мактабининг асосий вазифалари этиб белгиланганини инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

8. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши мазкур фондни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида **"Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилганлиги**, 2-иловага мувофиқ ушбу жамоат фондининг Васийлик кенгаши таркиби маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

"Вақф" хайрия жамоат фондининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланганлиги қайд этилсин:

фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш;

масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш;

диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

ислом илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, замонамизнинг етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга кўмаклашиш;

юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда "Вақф" хайрия жамоат фондининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, фуқаролардан закот, фитр ва бошқа хайрия маблағлари сифатида тушадиган маблағлар Фондининг алоҳида ҳисобрақамида тўпланиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган (шу жумладан, Интернет тармоғи орқали онлайн кузатиш имкониятини яратган) ҳолда маблағларнинг тушиши ва сарфланишида тўлиқ шаффофликни таъминлаш бўйича амалий кўмак берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда уч ой муддатда республикадаги барча муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни ўрганиб чиқсин ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 июлга қадар ўрганиш натижалари асосида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни "Вақф" хайрия жамоат фондига фойдаланиш учун ижарага бериш ҳуқуқи билан бириктириб беришни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар моддий маданий мерос объектлари ҳисобланади ҳамда уларнинг талаб даражасида муҳофаза қилиниши устидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан давлат назорати ўрнатилади.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Вақф" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ушбу идора тизимидаги диний-маърифий ташкилотларда:

фаолият юритаётган ходимларга, шу жумладан, имом-хатибларга ойлик иш ҳақи тўлаш;

фаолият юритаётган уй-жойга муҳтож ходимларни хизмат уй-жойлари билан таъминлаш;

кўп йиллар давомида намунали фаолият юритаётган, уй-жойга муҳтож имом-хатибларга янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларни сотиб олиб, текингга бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмасига асосан идора тизимидаги диний-маърифий ташкилотлар ходимларига хизмат уй-жойлари ва уларга сотиб олиб бериш учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларнинг ажратилишини таъминласин.

11. Белгиласинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ишловчи:

ўқитувчи, илмий ходим ва мутахассисларга ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 баравар (Марказ ходимларига – 4 баравар) миқдорда қўлланилади;

пенсионерларга уларнинг ушбу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда пенсиялари тўлиқ тўланади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошиси барча диний-маърифий ташкилотлар ходимларига татбиқ этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва кенг жамоатчиликнинг ислом илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз довруғини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида **"Имом Бухорий" давлат мукофотини таъсис этиш** ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Адлия вазирлиги билан биргаликда диний-маърифий соҳада намунали фаолият юритаётган, ижтимоий-маънавий ишларда алоҳида ўрнак кўрсатаётган соҳа вакилларини рағбатлантириш, шу жумладан, давлат мукофотларига тақдим этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита:

бир ҳафта муддатда қўмита фаолиятини такомиллаштириш ва унинг янгиланган тузилмасини тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Т.Камилов ва Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

Қашқадарё вилояти

Миришкор тумани:

Ислоҳотлар истиқболнинг янги уфқларини очмоқда

Қашқадарё вилоятидаги Миришкор тумани ҳақида эшитгансиз. Далалари уфққа туташган замин, одамлари меҳнаткаш, серғайрат, туман номига монанд миришкор кишилар. Турли миллат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилаётган бу туман кейинги йилларда улкан ўзгаришлар оғушида… Айниқса, одамлар онгидаги, дунёқарашидаги ўзгаришлар уларни янги меҳнат ғалабалари сари чорламоқда.

Тўғри-да, меҳнат қилган, шу заминни обод этаман, деган инсонга йўл очилиши, уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиши кимнинг шижоатини оширмайди дейсиз. Халқ билан мулоқот, раҳбарларнинг маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг дардини эшитиши, лозим бўлганда, ҳар қандай кўмакка тайёр бўлиши аҳолининг эртанги кунга ишончини оширмоқда.

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДАМИ?

– Миришкор – катта потенциалга эга туман, – дейди туман ҳокими Равшан Комилов. – Шу боис, узоқ йилга мўлжалланган улкан режаларни сира чўчимасдан амалга ошириш имкони мавжуд. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида туман вилоятда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Ҳозирда туманда қарийб 10 минг гектар (кластердан ташқари) пахта майдони, 22550 гектар ғалла майдони мавжуд бўлиб, 1900 та фермер хўжалиги, 1500 га яқин тадбиркор, 80 та ишлаб чиқариш субъекти фаолият кўрсатмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси юзасидан Миришкор туманида иқтисодиётни янада мустаҳкамлаш, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, айни дамга қадар саноат соҳасида 2 миллиард 196 миллион сўмлик 27 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 4 миллиард 824 миллион сўмлик 56 та лойиҳа амалга оширилиб, жами 840 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан янгича, замонавий иш услублари, илғор техника ва инновацияларни, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини, саноат ва ишлаб чиқариш соҳасини, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, бунинг баробарида халқнинг турмуш тарзини яхшилаш талаби қўйилмоқда.

Туманда бунинг учун барча имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР КЎЧАТИ ГИДРОПОНИКА УСУЛИДА ЕТИШТИРИЛАДИ

Туманда "Биг Агро Легумес" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2 минг гектар ерга аччиқ қалампир кўчатлари экиш ишларини жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Лойиҳага кўра, қалампир етиштириладиган майдонлар инновацион технология асосида ёмғирлатиб суғорилади. Тупроқда 60 фоизгача намликни узоқ вақт сақлаб турадиган махсус кимёвий воситалар сепилиши эса обиҳаётни уч баробар тежаш имконини беради. Оддий усулда аччиқ қалампир 14 мартагача суғорилса, юқоридаги усулда 4-5 марта суғориш кифоя қилади.

Кўчатлар корхона ишчилари томонидан "Гулистон" ҚФЙ ҳудудидаги 100 гектар ерда гидропоника усулида етиштирилди. Умумий қиймати 56 миллиард 600 миллион сўм бўлган лойиҳани амалга ошириш учун "Агробанк" томонидан 34 миллиард сўмлик кредит маблағи йўналтирилди. Натижада 2000 та мавсумий ҳамда 200 та доимий иш ўрни яратилди.

Корхонада етиштирилган маҳсулот экспортга мўлжалланган бўлиб, аллақачон Хитой, Индонезия, Малайзия каби мамлакатлар ишбилармонлари билан экспорт шартномалари тузиб қўйилган.

"Каян" навли бу аччиқ қалампир уруғи Ҳиндистондан келтирилган. Бизнинг ерларимиз учун янги бўлган бу қалампир уруғидан юқори ҳосил олиш сирларини ўрганиш мақсадида Ҳиндистон ва Индонезиядан тажрибали мутахассислар жалб этилди. Улар иштирокида қалампир етиштириш агротехникаси бўйича махсус ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Мутахассисларнинг юртимиз тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, берган тавсиясига кўра, 90х15 схемада гектарига 70 минг дона қалампир кўчатини очиқ далага ўтқазиш ишлари бошлаб юборилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, гектаридан 20-25 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Йиғиштириб олинган ҳосил қуритилган ҳолда экспортга чиқарилади. Ўртача 20 тонна маҳсулотдан 5 тонна қуритилган қалампир олинади. У 3 хил кўринишда – бутунлигича, бўлакларга бўлинган ҳамда кукун ҳолатда қадоқланиб, экспортга йўналтирилади.

КЛАСТЕР ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хомашёни сотиб эмас, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, моддий манфаатдор бўлиш зарурлиги ҳақида кўп бора гапириб, бунга эришишнинг йўлларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Зотан, бу йўл билан юртимиз ва унинг меҳнат аҳли ҳозиргидан кўра ўн мартагача кўпроқ моддий бойликка эга бўлади.

Бунга эришишнинг муҳим омилларидан бири – замонавий ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этишдир. Бунда хомашё бир тизим томонидан барча қайта ишлаш жараёнларидан ўтказилиб, юқори сифатли тайёр якуний маҳсулотга айлантирилади. Бундай истиқболли лойиҳа Миришкор туманида ҳам амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айни вақтда туманда "Миришкор порлоқ келажак" МЧЖ томонидан кластер усулида 11000 гектар майдонда пахта етиштириш ишлари бошлаб юборилди. Натижада 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айни дамда корхонада қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг, 2500 нафардан ортиқ иш ўрнига эга, маҳаллий пахта хомашёсидан ип-калава, трикотаж ва тайёр матолар ишлаб чиқарадиган фабрика, ўсимлик ёғи ва чорва учун озуқа-ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилиши лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси нимадан далолат? Энг аввало, қишлоққа саноат кириб бораётганидан, ўзимизнинг хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш суръати юксалишидан дарак бермоқда.

ХОРИЖГА ИШ ИЗЛАБ БОРИШ ТАРИХГА АЙЛАНАДИ

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ҳақида сўз кетганда, тумандаги истиқболли лойиҳалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Улардан бири 2019 йилда тўлиқ қувват билан ишга туширилиши мўлжалланаётган, тайёр мато ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Миришкор текстиль экспорт" корхонасидир.

Айни вақтда масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 90 миллиард 400 миллион сўмлик, шундан 78 миллиард 400 миллиони банк кредити асосидаги лойиҳа шаклантирилмоқда. Лойиҳа асосида пахта хомашёсини қайта ишлаб, йилига 3,5 минг тонна тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилади. Энг муҳими, 820 та янги иш ўрни яратилади.

Тумандаги яна бир истиқболли лойиҳа "Жамшид Сайфуллаевич" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Айни дамда парандачилик билан шуғулланиб келаётган мазкур корхона туманда парранда гўшти ва тухуми етиштириб ички бозорни таъминлаш билан бирга, кам таъминланган хонадонларга 50 тадан жўжа ва ем маҳсулотларини бепул тарқатиб келмоқда. Яқинда ташкил этилган ташкилот кейинги йилдан бедана, каклик, товуқ ва ўрдак гўшти ҳамда тухуми каби парҳезбоп маҳсулотларни экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Истиқболли лойиҳа эса туризм ва экотуризмга мўлжалланган. Биламизки, чўлга туташ туманда туризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шу боис, корхона томонидан туризм ва экотуризмни ривожлантириш, сув спортини такомиллаштириш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқди. Унга кўра, кунига 200-250 нафар сайёҳни қабул қилиш имкони юзага келмоқда. Бу 50-60 та иш ўрни демакдир.

– 2019 йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган бу йирик лойиҳалар амалга ошгач, туманимизда меҳнатга лаёқатли фуқароларининг аксарият қисми янги ва замонавий завод ва фабрикаларда доимий иш ўрнига эга бўлади, – дейди Миришкор тумани ҳокими Равшан Комилов. – Бизнинг асосий мақсадимиз – иш ўрни ва яна иш ўрни яратишдир. Шунда аҳолимиз иш излаб хорижга боришига ҳожат қолмайди. Энг муҳими, туманда биронта ночор, кам таъминланган оила қолмаслиги учун барча имкониятларни ишга солишга тайёрмиз.

ЧОРВАДА ҲАМ МИРИШКОР

Маълумки, Миришкор миришкор чорвадорлар маскани ҳамдир. Айниқса, бу ерда тайёрланадиган қоракўл терилари азалдан машҳур бўлиб келган. Унинг "Помуқ" нави ноёб ва харидоргир ҳисобланади. "Қовурғагул" номи билан таниқли бўлган мазкур нав бошқа ҳудудларда тайёрланадиган қоракўлдан чиройли кўриниши ва сифати билан ажралиб туради.

Туманда қоракўлчилик фермер хўжаликларига қарашли яйловларда минглаб қоракўл қўйлари боқиляпти.

Президентимизнинг шу йил 14 мартдаги "Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини миришкорлик чорвадорлар мамнуният билан кутиб олишди. Қарор билан соҳадаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топди. Соҳага қатор имтиёзлар берилмоқда. Чорвадорларни қийнаб келаётган суғориш тармоқларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш, чорвачилик тармоғини техника билан таъминлаш етиштирилган хомашёни сотиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган бу ишлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз

ТОТУВЛИКДА БАРАКА БОР

Миришкор – кўп миллатли туман. Бу ҳудудда ўзбек, тожик, туркман, араб, татар сингари 20 дан зиёд миллат вакиллари бир оила фарзандларидай тинч-тотувликда ҳаёт кечирмоқда. Яратилган шароитлар боис улар асрий удум ва анъаналарининг бардавомлигини сақлаб, ардоқлаб келишяпти.

Хусусан, "Янги Жейнов" ҚФЙ маҳаллаларида неча-неча йиллардан бери ўзбеклар, араблар тинч-тотувликда, баҳамжиҳатликда яшашмоқда. Тўй-тадбирлар борми, ҳашар борми, ҳамиша ёнма-ён. Қуда-анда, дўст-биродар бўлиб яшаётган бу икки миллатни эт билан тирноққа ўхшатиш мумкин.

Дарҳақиқат, юртимизда истиқлол йилларида миллатлараро тотувлик ғояси ҳақиқий инъикосини топди. Қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳат яшаб, меҳнат қилиб келаётган араб, туркман, тожик миллатига мансуб миришкорликларнинг туман иқтисодиётини ривожлантириш, унинг салоҳиятини белгилашда муносиб улуши бор.

Туманнинг Помуқ, Чандир қишлоқларида эса асосан туркман миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асрлар оша сақланиб келаётган бардавом анъана ва урф-одатлари, ўзига хос ҳаёт тарзи билан танишар экансиз, бир жиҳат эътиборингизни тортади: аҳоли бугун ўз ҳаётидан рози. Ўз она тилида эркин сўзлашиб, ўз миллатига хос қадриятларни эркин намоён этиш имкони яратилганидан мамнун ҳолда умргузаронлик қилмоқда.

Асосийси, турли миллат вакилларидан иборат туман аҳолиси учун миллатлар ўртасидаги аҳиллик, тотувлик энг олий қадриятга айланган.

Ҳудудда туркман ва араб маданий марказлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, турли фольклор жамоалари нафақат туман ва вилоятда, балки бутун республикада маълум ва машҳурдир. Тумандаги байрам тадбирлари, тўй-томошалар уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР КЎПАЯДИ

Чекка туман... Унинг ҳам чекка қишлоқлари... Очиғини айтганда, кейинги йилларда улар эътибордан ҳам четдан қолиб кетган эди. Бир пайтлар чўлни ўзлаштириш даврида қурилган уйлар, кўчалар, инфратузилма объектлари анчайин абгор ҳолга келиб қолганди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" дастури олис ва чекка ҳудудларда яшаётган миллионлаб юртдошларимиз ҳаётида чин маънода янги саҳифа очишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Унга кўра, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида, аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2 тадан, келгуси йиллардан 3 тадан қишлоқларда аҳолининг яшаш шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳволи босқичма-босқич, тубдан яхшиланиб боради.

Дастурга кўра, вилоятнинг 13 та туманидаги 26 та қишлоқ ва маҳаллада ободонлаштириш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга ошириладиган бўлди. Улар орасида Миришкор туманидаги Помуқ, Янги Миришкор маҳаллалари ҳам борлиги туман аҳлини беҳад севинтирди.

Ҳозирда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилиш арафасида. Туман, вилоят, республика раҳбарлари одамлар орасида мулоқот олиб бормоқда. Аҳвол ўрганилмоқда, янги режалар устида ишланмоқда.

Буларнинг барчаси одамлар кўнглига бир олам орзулар солди. Негаки, "Обод қишлоқ" дастури ҳали кенг қулоч ёзажак. Демак, барча ҳудудлар обод бўлажак.

Бир вақтлар бийдек кенг далалардан, пахтазору ғаллазорлардан иборат бўлган бу чекка ҳудудда бугун мутлақо ўзгача манзара, ўзгача шукуҳ бўй кўрсатмоқда. Янгидан-янги саноат корхоналари, ишлаб чиқариш масканлари, гузарлар, бозор ва хиёбонлар, намунали уйлар ва савдо шохобчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, янги боғча ва мактаб бинолари қад ростламоқда. Бу ишларнинг барчаси халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, қишлоқларни обод этишдек муҳим мақсадга йўналтирилгандир.

Хуллас, туманда амалга оширилаётган ишлар, истиқболли режалар киши кўзини қувонтиради. Бундай ўзгаришлар юз бераётган туманда истиқомат қилаётган аҳоли юз-кўзида бугунидан розилик, эртасига ишончни кўрасиз.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах вилояти

Кокос пўстлоғида етилган экин

ёхуд субстракт – гидропоника усулида бир йилда уч марта ҳосил олиш мумкин

Шароф Рашидов туманидаги "Green dream" масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 гектар майдонда инновацион технологиялар асосида иссиқхона барпо этилди. Ушбу иссиқхонада гидропоника усулида йилига уч мартага ҳосил олиш мумкин.

– Гидропоника атамаси сув ёрдамида деҳқончилик қилиш, деган маънони англатади, – дейди Эроннинг "Ranpoyan J.SCO" компанияси агрономи Ҳамид Назар. – Бунда ўсимлик томири сувда ривожланади. Биз қўллаётган субстракт-гидропоника усулида эса ўсимлик уруғи кокоснинг қуриган пояси жойлаштирилган целлофан субстрактга экилади, белгиланган муддатда махсус жиҳоз ёрдамида сув ва бошқа зарур озуқалар етказиб турилади. Бу кўчатнинг бақувват бўлиши, меванинг нисбатан эрта етилиши ва бир хил ҳажмда бўлишини таъминлайди. Ушбу усулдаги иссиқхонанинг яна бир афзаллиги шундаки, махсус унумдор ерга зарурат йўқ. Тўлиқ автоматлаштирилган назорат тизими билан бошқарилади. Жойдан юқори даражада фойдаланиш имконияти юзага келади.

Бу ерда бодрингнинг Туркия ва Голландиядан келтирилган навлари экилган бўлиб, айни кунларда кўчатлар ҳосилга кирган. Маълумки, кунлар исиши билан қатор полиз экинлари, хусусан, помидор кўчати ривожланишдан тўхтайди. Жорий этилган янги технологиянинг яна бир афзаллиги шундаки, ҳаво ҳарорати ўта исиб кетган тақдирда ҳам иссиқхона ичидаги махсус совитиш мосламаси ҳавони мўътадиллаштириб, кўчатнинг бир маромда ривожланишини таъминлайди.

– Йил охирига қадар яна 3 гектарлик иссиқхона қуришни режалаштирганмиз, – дейди "Green dream" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Самаджон Носиров. – Шунингдек, иссиқхонамизда маҳсулотни халқаро андозалар талаблари даражасида қадоқлаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини экспорт қилиш кўзда тутилган. Ҳозирда Исландия, Дания давлатлари ишбилармонлари билан музокаралар олиб боряпмиз.

Айни пайтда иссиқхонада 12 киши доимий иш билан банд.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм вилояти

Урганч тумани Ғойбу қишлоғида деҳқончилик маданияти анчайин ривожланган. Ғойбуликлар томорқаси йил-ўн икки ой бўш турмайди. Ҳар ўн хонадоннинг тўққизида иссиқхона мавжуд. Қишнинг чилласида етиштирилган помидору бодринг, кўкатлар, лимону мандаринларнинг сараси шу қишлоқ одамларининг меҳнатлари эвазига бозорларни тўкин қилади.

Фермер иссиқхонасида Индонезия аччиқ қалампирлари

Фермер хўжаликларининг ҳам ҳар бирида иссиқхона бор. Уларда пишиб етилган маҳсулотларни кўриб, кўзингиз қувнайди.

Шу қишлоқлик Олланазар Жабборов ҳам моҳир миришкорлардан. У узоқ йиллар "Зубайда-Фарида" фермер хўжалигини бошқарган.

Ҳозирда укалари Жобберган Рўзметов, Одамбой Жабборов ҳамда ўғли Фарҳоджонга (улар фермер) маслаҳат бериб келмоқда.

Олланазар ака далада, укалари ва ўғлига елкадош. Бу йил учала фермер ҳам туманда биринчилар қаторида чигит экишни якунлади. Олди чигит экилган майдонларда ғўзалар униб чиқди.

Фарҳоджон бошлиқ фермер хўжалигининг 15 сотихли иссиқхонасида бодринг, помидор пишиб етилмоқда. Бундан ташқари, булғор ва аччиқ қалампир кўчатлари ҳам парваришланмоқда. Жобберган Рўзметов ҳам 20 сотихли майдонда янгидан иссиқхона ташкил этиб, унда помидор етиштирмоқда.

– Иссиқхонамизда Индонезиядан олиб келинган аччиқ қалампир уруғларидан униб чиққан кўчатларни ҳам парваришлаяпмиз, – дейди Олланазар Жабборов. – Яқин кунлар ичида уларни очиқ майдонларга ўтқазамиз.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти

Хатирчи туманидаги "Хатирчи инвест эксперт" МЧЖ ҳамда "Азиа Сервис Навоий" МЧЖ шаклидаги қўшма корхоналар негизида намуна сифатида мева-сабзавот кластери ташкил этилмоқда.

Мева-сабзавот кластери ташкил этилмоқда

– Бунинг учун олти миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициясини жалб қилмоқдамиз, маҳаллий банклар томонидан 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиладиган бўлди, – дейди "Азиа Сервис Навоий" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари Алишер Нурмаматов. – Бу маблағларга четдан мева-сабзавотларни қайта ишлаш учун замонавий технологиялар келтирамиз. Банан, қулупнай, помидор, бодринг, ёнғоқ, нўхат, узум кабиларни етиштиришни режалаштирганмиз. Ҳозирда 150 гектар ҳудудга узум ва нўхат етиштиришни, помидор ва бодринг учун иссиқхона қуриш ишларини бошлаб юбордик. Маҳсулотларимизнинг аксарият қисми экспортга йўналтирилади

Келгусида бу каби тажрибалар бошқа туманларда ҳам жорий этилади.

Наргиза РАҲМОНОВА,
Навоий вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати ходими.

Тошкент вилояти

Эндигина биринчи синфга борган боланинг кувончи ва ҳайрати қанчалик чексиз бўлишини биласизми? Ҳарфларни таниганида, "она" сўзини ёзганида унинг қанчалик севинганини тасаввур қила оласизми? Мактабни тугатиб, коллежга борганида, олий ўқув юртига кирганида, биринчи миннатдор бўлгани ким бўлади? Албатта, унга таълим берган устозлари.

Таълимга эътибор – келажакка тикилган сармоя

Бу сўзларни айтмоқдан муддао шуки, инсон ҳаётида, камолотида мактабнинг алоҳида ўрни бор. Билим ва тафаккур шу даргоҳда шаклланади. Ҳаёт, табиат, Ватан каби тушунчалари шу даргоҳда кенгаяди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида таълим соҳасидаги ислоҳотлар замирида ҳам ана шундай буюк мақсад бор. Зеро, бугун таълимга қаратилаётган эътибор эртанги кунимиз учун муҳим пойдевордир. Хусусан, ўтган қисқа давр ичида таълим борасида кўплаб янгиликлар амалиётга татбиқ этилди. Мактабгача таълимдан олий таълимгачага, тарбиячилардан тортиб профессор ўқитувчилар меҳнатига қаратилаётган эътибор ниҳоятда кенгайди.

Буларнинг барчаси эртанги кунимиз, порлоқ келажагимиз учун қўйилаётган тамал тошидир. Фарзандларимизнинг билимли ва ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари учун давлатимиз томонидан барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бундай эътибордан руҳланган ўқитувчилар ҳам ўз қобилиятлари, билими ва маҳоратларини, касбий малакаларини ишга солиб, янада шижоат билан меҳнат қиладилар.

Саида ҲОЖИЕВА,
Қибрай туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Реклама ва эълонлар

OZROSDIZEL

Фермерлар, деҳқонлар ва томорқа ер эгалари диққатига!

«OZROSDIZEL» МЧЖ ўсимликлар ҳимоясида фойдаланиладиган Италия технологияси асосида ишлаб чиқарилган пуркагичларни таклиф этади:

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4а уй, 209 хона.
Тел/факс: (+998 97) 333-05-13, (+998 71) 244-64-91, 244-58-92
e-mail: jasurbek101@mail.ru

Маҳсулотлар сертификатланган.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ҳамда қурувчи ташкилотлар диққатига!

«Generation tools» МЧЖ

Ер ости гурунт сувларини чиқариш учун ҳар хил таркибли тупроқ шароитида 70 метрдан 700 метргача чуқурликда артезиан қудуқлар қазиб беради.
Хизматлар бутун Ўзбекистон бўйлаб кўрсатилади.

Мурожаат учун: (+998 98) 335-00-76, (+998 99) 895-12-26.
Манзил: Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Миробод кўчаси 6-уй.

Артезиан қудуқ қазилиши учун тегишли ташкилотларнинг хулосаси бўлиши керак.
Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимиятида (реестр № 0812131, 12.07.2016 й.) рўйхатга олинган ЯТТ "XALIMOV FAYZULLO O'G'LI" номига (СТИР 497114967) берилган № 08-10868 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Хван Алла Анатоновна номига берилган Тошкент ш. Юнусобод т. ТашГРЭС 21-уй 6-кондир учун 24.01.1993 й.да № 10-01/3377, реестр № 10-2101 рақамли ордер йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яшнобод т. "Ягона дарча" маркази томонидан (21.06.2017 й., № 527702) рўйхатга олинган "GULNUR-AVTO" МЧЖ (СТИР 304955629) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 13.03.2018 й.даги 2-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой мобайнида (99) 850-54-34 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан (11.09.2015 й., реестр № 008474-05) рўйхатга олинган "ORTHOPAEDIST ECO SHOES" ХК (СТИР 303441224) мажмуи "ORTHOPAEDIST ECO SHOES" оилавий корхонасига ўзгартирилади.

Расулов Каримжан номига Тошкент вил. Янгийўл ш. Шерматов (Чехов) кўч. 81-уй учун берилган кадастр хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан қайта рўйхатга олинган "FARRUH-SERVIS" МЧЖнинг устав фонди 48 170 000 сўмдан 7 100 000 сўмга камайтирилади. Даъволар 582-74-58 тел. орқали қабул қилинади.

Эълон

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти томонидан "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2018 йил 8 мартдаги 25 (8888), 10 мартдаги 26 (8889) ва 13 мартдаги 27 (8890)-сонларида чоп этилган қуйидаги объектларда буюртмачининг бошланғич нархи ўзгармоқда:

1. Лот-1-11: "Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги "ПМ-4" хўжаликлараро коллекторидаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда "Қуйи-Қипчоқ" СИУ ҳудудида коллектор қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 796 807 432,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

2. Лот-1-13: "Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги "КС-3-5" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш (2-босқич)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 600 095 068,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 7 ой.

3. Лот-2-2: "Андижон вилояти Андижон туманидаги "Совуқ булоқ" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 812 765 283,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

4. Лот-2-3: "Андижон вилояти Улуғнор тумани "Мирзааҳмедов" массивида коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қабул қилувчи "ПД-3" коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 376 922 241,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

5. Лот-2-4: "Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги "Кичик Қорагунон" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 466 038 561,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

6. Лот-2-5: "Андижон вилояти Балиқчи туманидаги "К-3-14" (ПК13+30 дан ПК39+10 гача) ва "Қоражой" (ПК52+00 дан ПК63+10 гача) хўжаликлараро коллекторларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 369 219 569,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

7. Лот-2-6: "Андижон вилояти Избоскан тумани "Н.Жўраев" массивида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш ва қабул қилувчи "ЧД-1-1" (ПК0+00 дан ПК8+00 гача) ва "Ўртаканда" (ПК0+00 дан ПК12+00 гача) коллекторларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 705 550 717,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 11 ой.

8. Лот-2-7: "Андижон вилояти Андижон туманидаги "Қатортол" хўжаликлараро ташлама коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 416 042 245,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

9. Лот-2-8: "Андижон вилояти Асака туманидаги "Қипчоқ" (ПК23+50) ҳамда Олтинкўл туманидаги "ПД-2" (ПК22+50) хўжаликлараро коллекторидаги қувурли ўтиш жойларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 883 319 771,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 12 ой.

10. Лот-2-13: "Андижон вилояти Улуғнор тумани "Жалақудуқ" массивида коллекторларнни қуриш ва қабул қилувчи "ГД-84-7" коллектори тизимини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 254 336 862,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

11. Лот-3-4: "Жиззах вилояти туманларида сув ўлчаш (гидропост) иншоотларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 306 094 149,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

12. Лот-4-5: "Навоий вилояти Кармана туманидаги "Кўҳна қўрғон" хўжаликлараро коллекторини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 895 389 842,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз), шу жумладан, материаллар қайтарилиши – 46 578 277 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 7 ой.

13. Лот-5-2: "Наманган вилояти Мингбулоқ, Наманган ва Норин туманларидаги тик дренаж қудуқларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 745 244 419,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 4 ой.

14. Лот-5-3: "Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги "Янги Момохон" коллекторини (ПК98+00 дан ПК118+00 гача) реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 630 973 215,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 5 ой.

15. Лот-5-4: "Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги "Сангистон" хўжаликлараро коллекторини (ПК0+00 дан ПК10+00 гача) реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 200 653 100,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз), шу жумладан, материаллар қайтарилиши – 17 181 000 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 4 ой.

16. Лот-5-5: "Наманган вилояти Поп тумани "Навбаҳор" СИУ ҳудудида коллектор қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 173 035 625,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 3 ой.

17. Лот-6-1: "Фарғона вилояти туманларида сув ўлчаш (гидропост) иншоотларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 251 490 698,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 3 ой.

18. Лот-7-2: "Навоий вилояти Хатирчи туманидаги "Сарой" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 731 503 750,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз), шу жумладан, материаллар қайтарилиши – 63 452 800 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 7 ой.

19. Лот-7-3: "Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги "Жана қала" ОФЙ ҳудудида коллектор қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 764 003 403,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

20. Лот-8-4: "Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги "Киштали" коллекторига янги тармоқ ва "Тошқубир Ш-9" коллекторига шаршара қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 458 876 159,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 7 ой.

21. Лот-8-5: "Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги "Авазкент" ва С.Маллаев коллекторларининг "Анҳор" канали билан, "Ўтарчи" коллекторининг "Ўтарчи" канали билан кесишган жойидаги қувурли ўтиш жойларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 203 670 794,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 3 ой.

22. Лот-9-3: "Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Охунбобоев, Ғ.Юнусов номли ҳамда "Янгиобод" ва "Оқолтин" СИУлари ҳудудида коллекторлар қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 775 195 746,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

23. Лот-10-2: "Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги "Ёғлик-1" коллекторини реконструкция қилиш ва гидротехник иншоотлар қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 312 118 548,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

24. Лот-10-3: "Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Аччисой" хўжаликлараро коллекторининг "А-6" тармоғидаги гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 146 760 416,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

25. Лот-12-5: "Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани Ш.Рашидов ва А.Навоий номидаги СИУлари ҳудудида коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 312 131 235,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 5 ой.

26. Лот-13-2: "Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Комилон канали" ва "Юксалиш булоғи" СИУлари ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 718 772 295,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

27. Лот-13-4: "Қашқадарё вилояти Қарши ва Касби туманларида вертикал дренаж қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 536 142 935,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз), шу жумладан, материаллар қайтарилиши – 15 205 580 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

28 Лот-13-9: "Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Бедона" хўжаликлараро коллекторини (ПК14+00 дан ПК19+00 гача) реконструкция қилиш (2-босқич)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 504 589 015,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 9 ой.

29. Лот-13-10: "Самарқанд вилояти туманларида сув ўлчаш (гидропост) иншоотларини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 427 162 722,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

30. Лот-13-11: "Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Қорасув" туманлараро коллектори тизимида коллектор қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 333 745 459,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

31. Лот-13-12: "Самарқанд вилояти Самарқанд, Тайлоқ ва Ургут туманлари хўжаликларида коллектор қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 664 550 269,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 9 ой.

32. Лот-14-3: "Сурхондарё вилояти Музработ тумани Ч.Қодиров, Т.Бердиев, Ш.Бобоев номли ҳамда "Таскент", "Қўнғирот" СИУлари ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 969 956 205,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 11 ой.

33. Лот-15-2: "Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Боёвут-2" ва "Боёвут-3" СИУлари ҳудудида коллекторлар қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 477 161 313,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

34. Лот-17-1: "Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги "Катта Зовур" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш (2-босқич)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 874 457 869,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз), шу жумладан, материаллар қайтарилиши – 492 310 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 7 ой.

35. Лот-17-5: "Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Д-16", "Д-1" ва "Олмос" коллекторларини реконструкция қилиш ва гидротехник иншоотлар қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – 746 833 347,0 сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан Департамент танлов савдоларини ўтказиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Тошкент вилояти Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй.

Танлов савдоларини ўтказиш бўлими (бошлиғи У.Жумаев. Тел.: +99899 823-09-74, бош мутахассиси Ф.Муродов. Тел.: +99897 708-32-77).

Таклифлар (офёрталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 10 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

Ҳаёт сабоқларидан

Соғлиқ кетидан кўр-кўрона қуваман деб, касаллик сиртмоғига илиниб қолиш ҳеч гап эмас экан.

* * *

Эртанги кун билан яшайман, деган одам бугунги кунни қойил қилиб яшаши керак.

* * *

Бизни касалликларнинг ўзидан кўра, улар ҳақидаги миш-мишлар кўпроқ енгиб қўяди.

* * *

Ҳаётнинг моҳиятига етмоқчимисан – унда моҳиятли ҳаёт кечир.

* * *

Эсингда бўлсин! Кеча – ўтган, бугун – ўтаётган умримизнинг охирги куни.

* * *

Лойқаланган мияда тиниқ фикрлар бўлмайди.

* * *

Ҳамманинг боши ўзи учун азиз. Айниқса, боксчиларники.

* * *

Чала туғилган фикрларни яшаб кетиши қийин.

* * *

Баъзиларнинг билими қайси билим керак, қайсиниси нокерак эканлигини билишдан нарига ўтмайди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
Профессор.

TOGLAR МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Л (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Саидкамол ХЎЖАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99893) 994-57-08;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 644-44-11;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-413, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

17 179 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 01.25

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12345